

Хива шаҳар  
(шаҳар, туман ва кишлок)

ШАРТНОМА

№ 5

«28» ИЮН 2022 й.

«ART CARONA» хусусий корхонаси бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Э.Сопоров фаолиятини амалга низом асосида оширувчи бир томондан ва Хива шаҳар МТБ (марказлашган) бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари М.Абдуллаева фаолиятини низом асосида курсатувчи иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доймий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

#### 1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи (ККС билан)	Умумий қиймати (ККС билан)
1	Белье постельное	копм	2600	74000	192400000
2	Наматрасник	ШТ	110	82000	9020000
3	Подушка	ШТ	32	23000	736000
4	Одеяло	ШТ	407	73000	29711000
Жами					231867000

### 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 231 867 000,00 (икки юз ўттиз бир миллион саккиз юз олти миш етти минг) сўмни ККС билан ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 15 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури \_\_\_\_\_  
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

### 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 30 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «28» ИЮН дан 2022 йил «31» декабр гача ўз кучида қолади.

### 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

Кўриб чиққан юрист: ОТАБОВЕВ МУРОДБЕК ВАХИДИР О'Г'ЛИ. Ҳужжат рақами: VE438853877

## 5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»дан «Сотувчи» маҳсулотни уз транспортида олиб кетиш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги туғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни \_\_\_\_ кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Томонларнинг жавобгарлиги

7.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.2 Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.3 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

7.4 Тарафлар мазкур шартномани расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги қонуни доираси иш кўрадилар.

## 8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.



9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, Газначилиқда руйхатдан утгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

11.2 Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

11.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

12. Бошқа ҳолатлар

12.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

12.2. Тарафларнинг бошқа талаблари:

12.3 Шартномага илова:

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

“ART CARONA” хусусий корхонаси	Хива шаҳар МТБ (марказлашган)
Манзили: Урганч туман	Манзили: Хива шаҳар Амир Темур кўчаси 31-уй
Тел/факс:	Тел/факс:
х/р: 2020 8000 9052 8844 4001	ш/хр: 100022860334067091100251015
ИНН: 307 799 567	ИНН: 305 153 644 ОКОНХ:
ОКОНХ:	Молия вазирлиги Газначилиги
Банк: Микрокредитбанк АТБ Короул фил.	Ғазна х/в : 23402000300100001010
МФО: 00570	Банкнинг номи : Тошкент шаҳар Марказий Банк ХКМ
Зорогов Eldor Ҳ	МФО : 00014 ИНН: 201122919



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNI QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№**

1. Loyiha turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Oldi sotdi shartnomasi.

Xiva shahar maktabgacha ta'lim bo'limi va Urganch tumani "ART CARONA" x/k o'rtasida (*hujjat raqami IE76230570*) oldi sotdi shartnomasi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xiva shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 23-iyun kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti**



**M.Otaboyev**

2022-yil 23-iyun